



ADMINISTRATIVE JUSTICE AND FORMS OF ITS ORGANIZATION: NATIONAL AND FOREIGN EXPERIENCE

B.QOSIMOV^a

Tashkent state University of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

АДМИНИСТРАТИВНАЯ ЮСТИЦИЯ И ФОРМЫ ЕГО ОРГАНИЗАЦИИ: НАЦИОНАЛЬНЫЙ И ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

Б.КОСИМОВ^a

Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047,
Узбекистан

МАЪМУРИЙ ЮСТИЦИЯ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Б.КОСИМОВ^a

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

Аннотация: мазкур мақолада маъмурий юстициянинг мазмун-моҳияти ва Ўзбекистон, АҚШ, ГФР ҳамда Россия Федерацияси тажрибасига асосланган ҳолда маъмурий юстицияни ташкил этиш шакллари таҳлил этилган.

Калим сўзлар: маъмурий юстиция, маъмурий орган, оммавий субъектлар, оммавий-хуқуқий низо, ихтисослашган суд, маъмурий суд.

Аннотация: в статье проанализированы сущность административной юстиции и формы организации административной юстиции на основе опыта Узбекистана, США, ГФР и Российской Федерации.

Ключевые слова: административная юстиция, административный орган, публичные субъекты, специализированный суд, административный суд.

Annotation: the article analyzes the essence of administrative justice and the forms of organization of administrative justice based on the experience of Uzbekistan, the United States, Germany and the Russian Federation.

Keywords: administrative justice, administrative body, public authorities, public legal dispute, specialized court, administrative court.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда маъмурий юстициянинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг аҳамияти катта эканини эътироф этиш лозим. Яъни унда фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва хўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларни ташкил этиш назарда тутилди. 2017 йил 6 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзgartиш ва қўшимчалар киритилиб маъмурий судлар ташкил этилган бўлса, 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон

Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида эса маъмурий юстиция тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Маъмурий судлар ташкил этилиши муносабати билан 2018 йил 25 январда мазкур судлар томониданишларни кўриб ҳал этиш билан боғлиқ процессуал муносабатларни тартибга солишга қаратилган алоҳида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ишларни юритиш тўғрисидаги кодекси қабул қилинди.

Мақола мавзусининг долзарблиги шундаки, юқорида келтириб ўтилган ислоҳотларнинг самараси маъмурий судларнинг мақсад ва вазифалари, умуман олганда, маъмурий юстиция ҳақида фуқароларимиз онгода етарлича тасаввурнинг мавжуд бўлишига боғлиқдир. Шундай экан, маъмурий юстиция тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти, шунингдек маъмурий юстицияни ташкил этиш шакллари борасида миллий ва хорижий мамлакатларнинг тажрибаси асосида илмий асослантирилган хуросага келиш муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролар давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари билан Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилган хукуқларини рўёбга чиқариш мақсадида муносабатга киришадилар. Одатда, бундай органларнинг аксарияти ижро ҳокимияти тармоғига мансубдир. Ижро ҳокимияти органлари, шунингдек маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар биргаликда маъмурий органларни ташкил этади.

Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган хукуқ ва эркинликлари дахлсиз бўлсада, уларнинг турли субъектлар, шу жумладан маъмурий органлар томонидан бузилиш ҳолатлари кўп учрайди. Шу боис Конституция бундай ҳолда фуқароларнинг одил судловга мурожаат этиш хукукини ҳам кафолатлади.

Бундай муносабатларга кўплаб ҳаётий мисолларни келтириш мумкин. Бу каби мисоллар жисмоний ёки юридик шахс ўзининг хукуқларини рўёбга чиқариш мақсадида маъмурий орган, шу жумладан давлат бошқаруви органига давлат хизматларидан фойдаланиш учун мурожаат қилиши билан бевосита боғлиқдир. Масалан, фуқаро тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш учун ёки ер ажратилишини сўраб ёхуд ўзи юритаётган фаолиятни лицензиялаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш учун рухсатнома олиш мақсадида тегишли маъмурий органга ариза билан мурожаат қиласди. Аммо унинг аризасидаги илтимоси асоссиз рад этилади. Бундай ҳолатда инсон хукуқларининг бузилиши ёки давлат органлари ва мансабор шахсларнинг фаолиятида қонунийлик тамойилига риоя қиласлик кузатилади.

Миллий тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахснинг ўз хукуқ ва эркинликларига суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг файриконуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш хукуқи кафолатланади. Ушбу конституциявий норма асосида Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги“Фуқароларнинг хукуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Таъкидлаш жоизки, Конституциянинг 44-моддаси ҳамда юқорида келтириб ўтилган қонун мамлакатимизда маъмурий юстициянинг дастлабки хукукий асослари бўлиб хизмат қилди.

Оммавий субъектлар, яъни давлат органлари ва бошқа маъмурий органлар ҳамда хусусий субъектлар – жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги оммавий-хукукий низолар икки хил тартибда кўриб чиқилиб ҳал этилиши мумкин. Бу юқори турувчи орган ёки суд органлари томонидан амалга оширилади. Мамлакатимизда бундай ташкилий-хукукий механизм маъмурий юстиция деб аталади.

Бунда иккинчи тартиб, яъни низонинг ихтисослашган суд, яъни маъмурий суд томонидан кўриб чиқиб ҳал этилиши унинг профессионал судьялар томонидан ҳал этилиши ҳамда бузилган хукуқларнинг мустақил ҳокимият тармоғи – суд органлари томонидан тикланишига эришилади. Бугун мамлакатимизда маъмурий судлар фаолият олиб бормоқда. Мазкур судлар томонидан айни юқорида қайд этиб ўтилган хусусиятдаги низолар кўриб чиқилмоқда. Бу орқали давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан бузилган фуқароларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимояси таъминланмоқда. Шунингдек, бу орқали маъмурий органларнинг катта қисми ижро ҳокимияти таркибида фаолият олиб бориши ҳисобга олиниб, уларнинг фаолияти қонунийлиги устидан суд назоратини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Демак, маъмурий юстиция айни бу ўринда ҳар бир шахсга хукуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг файриконуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилишдек конституциявий хукуқларини таъминлашга хизмат қиласди. Маъмурий юстиция – бу жисмоний ва юридик шахсларнинг

маъмурий органлар билан ўзаро муносабатларида вужудга келадиган оммавий характердаги низоларни ҳал этишга қаратилган ташкилий-хуқуқий механизмдир.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси, хусусан, Америка Кўшма Штатлари, Германия ва Россия Федерациясининг ортирган тажрибасини ўрганиш мамлакатимизда маъмурий юстицияни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, хорижий мамлакатларда маъмурий юстицияни ташкил этишининг уч хил моделини кузатиш мумкин:

Маъмурий юстициянинг умумий судлов шакли.

Маъмурий юстициянинг квази судлов шакли.

Маъмурий юстициянинг маҳсус судлов шакли.

Хорижий мамлакатлардан Россия Федерациясида маъмурий юстициянинг умумий судлов шакли амал қилади. Унга кўра оммавий-хуқуқий низолар ихтисослашмаган, яъни умумий юрисдикция судлари томонидан кўриб чиқиб ҳал этилади. Бунда судлов ишларини юритиш алоҳида қонунчилик билан тартибга солинади. Яъни бу борадаги одил судлов Россия Федерациясининг 2015 йил 8 мартағи Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига асосланган ҳолда олиб борилади.

Россия Федерациясида маъмурий судларни ташкил этиш бўйича анча йиллардан бери таклифлар илгари суримоқда. Бундан ташқари, “2023 йилгача бўлган даврда умумий юрисдикция судларини ривожлантириш ва уларнинг фаолиятини ташкилий таъминлашни такомиллаштириш бўйича Дастур” тасдиқланган [1]. Мазкур дастурда келажакда ихтисослашган маъмурий судларни ташкил этиш режалаштирилган. Россия Федерациясида ихтисослашган маъмурий судларни ташкил этиш борасида олимлар ўртасида турли қарашлар мавжуд. Жумладан, А.Власов “маъмурий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўриб чиқиш фақатгина ихтисослашган судлар томонидан амалга оширилиши лозим” [2] деб ҳисоблайди. Ушбу фикрни А.Сапожников “маъмурий судларни ташкил этиш қонун чиқарувчининг конституциявий бурчи бўлиб, бу конституциядаги қоидани мустаҳкамлаган ҳолда Россияни умумевропа стандартлари даражасига олиб чиқади” [3] дея қўллаб-қувватлайди.

Юқоридаги фикрларга жавобан А.Чирнинов маъмурий судларни ташкил этиш учун пойдевор яратиб боришининг зарурлигини айтиб ўтади. Олимнинг фикрига кўра, амалдаги иқтисодий ва сиёсий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда умумий юрисдикция судларининг судьялар штатини ошириш ҳамда судларни эмас, балки, биринчи навбатда, судьяларни маъмурий ишларга ихтисослаштириш таклиф этилади. Шунингдек, олим Россия Федерациясида маъмурий судларни ташкил этишининг зарурати йўқ эканини Англия ва АҚШ сингари давлатларда ихтисослашган маъмурий судлар бўлмаса-да, мазкур давлатларда инсон хукукларининг ҳимояси ихтисослашган маъмурий ҳуқук мавжуд бўлган Германиядан кам даражада эмаслиги билан изоҳлайди [4].

Россиядан фарқли тарзда Америка Кўшма Штатларида суд ҳокимияти тармоғига кирмайдиган, ижро ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қарорлари қонунийлиги устидан назоратни таъминлайдиган квази судлар ёки трибуналлар ташкил этилган.

Масалан, 1969 йилда ташкил этилган *Солиқ ишлари бўйича Кўшма Штатлар суди* ҳам айни шундай турдаги суддир. Ички даромадлар комиссарлиги томонидан солиқ камомади аниқланган тақдирда бундан норози тараф томонидан берилган шикоятларни кўриб чиқиши Солиқ ишлари бўйича Кўшма Штатлар суди юрисдикциясига тааллуклидир [5]. Солиқ ишлари бўйича Кўшма Штатлар суди 19 нафар судьядан иборат. 1950 йили ташкил этилган *Куролли кучлар ишлари бўйича апелляциявий суди* биринчи инстанция сифатида ҳарбий трибуналлар томонидан кўриб чиқилган ишлар бўйича қабул қилинган қарорлар юзасидан келиб тушадиган шикоятларни кўриб чиқади [6]. Хозирда Куролли кучлар ишлари бўйича апелляциявий суди 5 нафар ҳарбий бўлмаган судьялардан иборат [7]. 1988 йилда асос солинган *Ветеранлар даъвоси бўйича Кўшма Штатлар апелляциявий суди* Ветеранлар шикоятини кўриб чиқувчи ҳайъатнинг қарорларини кўриб чиқиш ваколатига эга. Бу суднинг қарорлари устидан шикоят Федерал округ апелляциявий судига берилади [8].

Бундан ташқари, ижро этувчи ҳокимият тармоғидаги давлат бошқаруви органлари таркибида ташкил этилган трибуналларда 1300 нафардан ортиқ маъмурий низолар бўйича судьялар фаолият олиб боради. Уларнинг қарорлари устидан апелляциявий судга шикоят билан мурожаат қилиш мумкин.

Германияда маъмурий судларнинг шаклланиш тарихи салмоқли даврни қамраб олади. Мамлакат тарихида маъмурий суд илк маротаба 1863 йилда Бадейда ташкил этилган [9]. Кейинчалик маъмурий судлар Пруссия, Гессен, Вюртемберг ҳамда Бавария каби немис давлатларида фаолият юрита бошлаган.

Германия тарихида ҳам Россия сингари маъмурий судларни ташкил этиш борасида баҳс-мунозаралар бўлиб ўтганини кузатиш мумкин. Бундай мунозаралар давлат бошқаруви устидан суд назоратини умумий юрисдикция судлари томонидан ёки ихтисослашган маъмурий судлар томонидан олиб борилиши кераклиги юзасидан олиб борилган эди. Хусусан, Пруссияда О.Бер ва Р.Гнейст ўртасидаги мунозаралар дикқатга сазовор. О.Бер давлат бошқаруви устидан суд назорати умумий юрисдикция судлари томонидан олиб борилиши мумкинлиги, бунда ихтисослашган маъмурий судларни ташкил этиш шарт эмаслиги борасида фикр билдирган бўлса, Р.Гнейст бунда маъмурий судларнинг ташкил этилиши муҳим эканлигини таъкидлаб ўтган.

Немис маъмурий юстициясинингўзига хос хусусияти шундаки, фуқаролар, юридик шахслар ва маъмурий органлар ўртасидаги оммавий-хуқуқий тусдаги низолар тўғридан-тўғри маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилмайди. Низо, энг аввало, юқори турувчи маъмурий орган томонидан кўриб чиқиб ҳал этилади. Агар фуқаро қабул қилинган қарордан норози бўлса, маъмурий судга мурожаат қилиши мумкин. Бу бир тарафдан, бу маъмурий судларда иш ҳажмининг ортиб кетмаслигига сабаб бўлса, иккинчи тарафдан эса маъмурий органларнинг оммавий-хуқуқий тусдаги низоларни кўриб чиқишидаги фаоллигининг ортишига сабаб бўлади.

Германияда маъмурий судлар Иккинчи жаҳон урушидан кейин янада ривожланди. Бунга қадар маъмурий судлар фақат чекланган турдаги оммавий-хуқуқий низоларни кўриб чиқиши мумкин бўлган бўлса, кейинчалик мазкур судларга барча оммавий-хуқуқий тусдаги низоларни кўриб чиқиб ҳал этиш ваколати берилди.

Хозирги кунда Германия маъмурий судларнинг тизими Ўлка маъмурий суди, Ўлка олий маъмурий суди, Федерал маъмурий суддан иборат. Ўлка маъмурий суди ишларни биринчи инстанцияда, Ўлка олий маъмурий суди ишларни апелляция, Федерал маъмурий суд эса кассация инстанциясида кўриб чиқади. Маъмурий судларни ташкил этишга доир муносабатлар 1960 йилда қабул қилинган “Маъмурий ишлар бўйича судлар тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинса, ишларнинг маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилишига доир процессуал муносабатлар айни шу йилда қабул қилинган “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда маъмурий судлар ташкил этилишигача бўлган даврда маъмурий юстицияни ташкил этишнинг умумий судлов шакли амал қилган эди. Фикримизча, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш шароитида мамлакатимизда маъмурий юстициянинг умумий судлов шаклидан махсус судлов шаклига ўтилиши, яъни ихтисослаштирилган маъмурий судларнинг ташкил этилгани фуқароларнинг конституциявий хуқук ва эркинликлари кафолатини амалда кучайтиришга хизмат қиласди. Айни пайтда маъмурий органлар, уларнинг мансабдор шахслари қонуний ва адолатли қарорлар қабул қилиш борасидаги масъулиятини янада кучайтирган ҳолда ижро ҳокимияти устидан суд назоратини таъминлашга имкон яратади.

Хулосаўрида таъкидлаш жоизки, маъмурий юстиция жисмоний ва юридик шахсларнинг маъмурий органлар билан ўзаро муносабатларида вужудга келадиган оммавий-хуқуқий характердаги низоларни ҳал этишга қаратилган ташкилий-хуқуқий механизм бўлиб, миллий ва хорижий мамлакатлар тажрибаси уни уч хил шаклда, яъни умумий судлов шакли, квази судлов шакли ҳамда махсус судлов шаклида ташкил этиш мумкин эканлигини кўрсатади. Мамлакатимизда маъмурий судларнинг ташкил этилиши маъмурий юстицияни ташкил этишини умумий судлов шаклидан махсус судлов шаклига ўтишга замин яратди. Бу эса фуқаролар қонуний хуқук ва манфаатларининг маъмурий органлар ва улар мансабдор шахслари томонидан бузилган ҳолларида низонинг ихтисослашган судлар томонидан кўриб чиқилиши ҳамда одил судлов сифатининг ошишига олиб келади.

References:

1. <<http://pslrf.ru/2014/2/6.pdf>>
2. Vlasov A.V. Kakoy budet administrativnaya yurisdiksiya?// Rossiyskaya yustitsiya. - 2002. - №11. - S.17.
3. Sapojnikov A.I. K voprosu o sozdaniii administrativnoy yustitsii v Rossiyskoy Federatsii // Advokatskaya praktika. - 2008. - №1. - S.42-44.
4. Chirninov A.M. Nekotorye problemy sozdaniya administrativnykh sudov v Rossiyskoy Federatsii// Politika, gosudarstvo i pravo. - 2012. - № 5.

5. <<https://www.ustaxcourt.gov/about.htm>>
 6. <<http://www.britannica.com/topic/United-States-Court-of-Appeals-for-the-Armed-Forces>>
 7. <<http://system.uslegal.com/other-federal-courts/us-court-of-appeals-for-the-armed-forces/>>
 8. <<https://www.uscourts.cavc.gov/about.php>>
- Rapp M. 100 Jahre Badischer Verwaltungsgerichtshof // Kiilz N.R., Naumann R. (Hrsg.). Staatsbürger und Staatsgewalt. Verwaltungsrecht und Verwaltungsgerichtsbarkeit in Geschichte und Gegenwart. Karlsruhe, 1963. Bd. I. S. 1–24; Walz E. 100 Jahre Verwaltungsgerichtsbarkeit in Baden // Aus 100 Jahre Verwaltungsgerichtsbarkeit /Baring M. (Hrsg.). Köln; Berlin; Mimchen, 1963. - S.102-123